2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 28-FEVRAL, SESHANBA, 27 (7956) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.



**Хандон писта — тоғолди ва лалми ерлар шароитида истиқболи боғлар яратиб, кам меҳнат билан кўп даромад олишнинг, экологик софликни таъминлашнинг мустаҳкам манбаидир. Шундай экан, юртимизда бор пистазорларни бус-бутун сақлаб, кўплаб янги пистазорлар яратиш йўлини тутишимиз керак.**



**Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, халқимизни сифатли, арзон маҳсулотлар билан таъминлаш, шунингдек, уларни қайта ишлашни ривожлантириш, сақлаш муддатларини узайтириш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор.**



**Мутафаккир, олим Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" китобида қатор касалликларнинг наслдан-наслга ўтиши, суяк суриши ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оқибатлари кўрсатиб ўтилган. Бугунгача 2000 дан ортиқ касалликнинг наслдан-наслга ўтиш қонуниятлари ўрганилган.**

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

# «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2012 йил Ўзбекистон Республикасида "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда нохукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш;

ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш;

жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш;

оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

"Соғлом она – соғлом фарзанд" тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

2. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) зиммасига "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг амалга оширилишини ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш вазифалари юклатилсин.

Республика комиссияси:

икки ҳафта муддатда, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг устувор йўналишлари ва тадбирларидан келиб чиққан ҳолда, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари томонидан ҳар бир идора, вилоят, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича "Мустаҳкам оила йили"нинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига киритилган тадбирларни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари даражасида ишлар аниқ-пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастур амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқсин;

ҳар чорак якунлари бўйича "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманларда (шаҳарларда) "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар тузилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар тегишли ҳудудларда оғишмай ва тўлиқ ҳажмларда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарликни юкласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса, ёш оилалар ўртасида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини, давлат томонидан оилаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича унда белгиланган чора-тадбирларни мунтазам ва кенг кўламда тушунтириб борилишини;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида кенг жамоатчилик доимо хабардор қилиб турилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 27 февраль*

Фарғона Вилояти



# РИШТОННИНГ БЕЖИРИМ ЧИННИЛАРИ

**Фарғона вилояти Риштон тумани ўзининг бетакрор кулолчилик буюмлари билан машҳур. Эндиликда риштонлик ҳунармандлар томонидан бежирим чинни маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда.**

"Деҳқонобод" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган «Simax F+Z» масъулияти чекланган жамиятида замонавий дастгоҳлар ёрдамида пиёла, коса, лаган сингари ўнга яқин турдаги юқори сифатли чинни буюмлар тайёрланмоқда. Корхона раҳбари Мирзоаҳмад Исматовнинг айтишича, тажрибали наққошлар ва дизайнерлар билан ҳамкорликда чинни маҳсулотларининг янги намуналарини яратиш устида иш олиб борилаётир. Бу ерда меҳнат қилаётган саксондан зиёд ишчининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

**СУРАТДА:** *Риштон туманидаги «Simax F+Z» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Зулайҳо Ғозиева.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

Наманган Вилояти

# МАКТАБДА ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ

***Уйчи туманидаги 16-умумтаълим мактабида муқобил энергия манбаидан фойдаланиш йўлга қўйилди.***

— Ўқув масканимизга БМТ ҳомийлигида "MIR SOLAR" компанияси томонидан 19 минг АҚШ долларига қуёш батареяси ўрнатилди, — дейди мактаб директори Абдулло Абдувалиев. — Ушбу мослама ёрдамида 150 донагача замонавий "АКФА" электр лампочкасидан фойдаланиш мумкин.

Мактаб жамоаси катта ғамхўрлик ва яратиб берилган қулайликдан руҳланиб, ўқув ҳамда тарбиявий ишларга зўр беришаётир.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Андижон Вилояти

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Андижон вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори" шиори остида бизнес-форум ўтказди.**





Унда тижорат банклари томонидан аҳолига таклиф этилаётган хизматлар таништирилди, Мустаҳкам оила йилида амалга оширилиши мўлжалланаётган ишлар хусусида маълумот берилди. Форумда ўтказилган танловда ғолиб деб топилган 71 лойиҳа эгалари тақдирланди, уларга 9 миллиард 430 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича сертификатлар топширилди.

— Кундан-кунга тадбиркорларга эътибор кучаймоқда, — дейди Андижон шаҳридаги "Шоирабону-78" хусусий корхонаси раҳбари Шоирахон Исроилова. — Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг яхшилиги ва экспортбоплиги туфайли ғолиблар сафидан жой олдик.

Шоирахон Исроилова каби тадбиркорларнинг куч-қудратга тўлиб боришида молия муассасаларининг кўмаги асқотмоқда. Хусусан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида вилоятдаги тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилган кредитлар ҳажми 256,8 миллиард сўмни ташкил этди. Бу эса импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Жалақудуқ туманидаги "Андбиллуртекс" масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул чеварлари томонидан ҳам бежирим кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Ҳозирга қадар 2,5 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот экспорт қилинди. Бу ерда меҳнат қилаётган 35 нафар кишининг меҳнат шароити ҳам юқори босқичга кўтариляпти.

— Тадбиркорлар учун кенг йўл ва имкониятлар эшиги очиқ, — дейди корхона раҳбари Шамсиддин Хушназаров. — Бу эса бизни янги лойиҳалар устида ишлашга ундайди. Бу йил маҳсулот ҳажмини оширмоқчимиз. Шу боис, 17 нафар коллеж битирувчисини шартнома асосида амалиётга жалб этдик.

Тадбирда таъкидланганидек, кучли интеллектуал салоҳиятга эга ёш кадрлар, ишбилармонларга яратилаётган имтиёзлар ҳамда қулай инвестицион муҳит соҳа истиқболи порлоқ эканлигидан далолат. Бу жараёнда истиқболли лойиҳалар эса тараққиётга хизмат қилади.

**Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

## Куннинг муҳим воқеалари

► Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Президентининг 2011 йил 14 январда қабул қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чоралари тўғрисида"-ги фармойишига асосан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш Комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

► **Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Бухоро вилояти ҳудудий бўлинмасида ижтимоий шериклик механизмлари ва шаклларини такомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказилди.**

► Олмалиқ шаҳридаги тиббиёт касб-ҳунар коллежида Тошкент вилояти ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила — жамият пойдевори" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Хоразм Вилояти

▼ МЕЛИОРАЦИЯ

# ТУПРОҚ СОҒЛОМЛАШСА, ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

## БУ КЎП ЖИҲАТДАН МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИНГ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИГА БОҒЛИҚ

**Хоразм воҳаси ўзининг табиий-иқлим, тупроқ ҳамда бошқа шарт-шароитлари билан бошқа минтақалардан фарқ қилади. Бу, аввало, экин майдонлари тупроғининг таркиби хилма-хиллиги, турли даражада шўрланганлиги, ер ости сизот сувларининг юзага яқин жойлашгани билан изоҳланади. Шу сабабдан экин майдонлари, боғларда шўр ювиш ишларини ташкил қилиш билан бир қаторда коллекторларда қазиш, кенгайтириш ишларини сифатли қилиб бажариш ҳам талаб этилади.**

Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда 2008 йил 19 мартдаги "2008-2012 йиллар давомида суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"-ги қарори бу соҳада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг дастуриламали бўлди. Тошсоқа ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошида ташкил қилинган "Боғотдавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси жамоаси шу ҳудуддаги мелиоратив иншоотларда таъмирлаш ва тиклаш ишларини ўз муддатларида сифатли бажариб, тупроқни соғломлаштириш, ҳосилдорлигини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда. 2011 йил бўйича Давлат дастурида 220,41 километр узунликдаги мелиоратив объектларда тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари режалаштирилган бўлиб, бу борада белгиланган топшириқлар ошиғи билан бажарилди. Жумладан, Боғот туманининг Хўжалик ва Маданият қишлоқлари ҳудудларидан ўтган "Оққўл" коллекторининг 87,03 километрлик қисмида 443, минг куб метр ҳажмда тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилгани туфайли "Дўстлик", "Шодлик", "Барчин", "Йўлдош бобо набираси Инъомжон" фермер хўжаликлари ерларининг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди. Шунингдек, Янгиариқ туманидаги Остона ва Гулланбоғ қишлоқларини кесиб ўтувчи Остона коллектори бўйича ҳам 89,4 километр узунликдаги қарийб 523 минг куб метр ҳажмда тозалаш ишлари бажарилди.

Булардан ташқари, ўтган йили вилоят ОДСП-21 ташкилоти билан Хонқа туманидаги сув истеъмолчиларини обиҳаёт билан таъминловчи асосий манбалар — Нукусёб ва Навоийёб каналларини реконструкция қилиш ишлари бўйича 20 километр узунликдаги сув иншоотида 713849 минг сўмлик мелиорация-ирригация ишларини бажариш учун шартнома имзоланиб, катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Шунингдек, мазкур ҳудудлардаги фермер хўжаликлари билан тузилган шартномалар асосида ҳам бир мунча ишлар қилинди. Рўзимбой Бектўраев, Жумабой Раҳимов, Раҳимбой Юсупов сингари экскаваторчилар ғайрат-шижоат билан ишлаб, зовурларни тозалаш, кенгайтириш орқали тупроқни соғломлаштириш, она заминимизни қайта яшартиришдек хайрли ишларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

— Экин майдонлари ҳосилдорлигини ошириш, тупроқ шўрланишининг олдини олиш мақсадида олиб борилаётган ишлар Юртбошимизнинг халқ турмуши фаровонлигини ошириш йўлидаги тинимсиз қайғуришлари, амалий ёрдамлари ва ғамхўрликлари самарасидир, — дейди корхона раҳбари Одилбек Тоиров. — Айни пайтда жамоамиз 14 та экскаватор, 3 та бульдозер, 7 та вагон-уйча, 2 та К-704 тройлер ва бошқа техника воситалари билан таъминланган. Куни кеча "Ўзмелиомашлизинг" компанияси мадади билан баҳоси 180 миллион сўм бўлган, энг сўнгги русумдаги экскаватор сотиб олдик. Техникаларимизнинг аксарияти ана шундай иш унумдорлиги билан аввалгиларидан устун бўлган замонавий хориж техникаларидир.

Уларнинг бетўхтов ишлатилиши, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, ишчиларнинг ишлаши, овқатланиши ва дам олишлари учун шароит яратиб беришда бош муҳандис Ойбек Жуманиёзов, иш юритувчи Шарифбой Қурбонбоев ва бош механик Ярашбек Жуманиёзовларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишлари катта аҳамият касб этмоқда.

2012 йил дастурига киритилган мелиоратив объектларда таъмирлаш ишларини олиб бориш бўйича ўтказилган тендер савдоларида ғолиб бўлган "Боғотдавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси амалдаги йилда Боғот туманидаги Ўнг Тошсоқа, Янгиариқ туманидаги Ўзбекистон ва Облкўл, Ҳазорасп туманидаги Подакўл ва Ҳожикўл коллекторларини тозалаш, кенгайтириш ишлари бўйича 260,5 километр узунликда 1546,2 минг куб метр ҳажмдаги ишларни бажаришга бор имкониятларини сафарбар қилмоқдалар. Тажрибалардан шу нарса маълумки, мелиорация ишлари тўғри амалга оширилса, пахта ҳосилдорлиги бир неча центнерга ошади. Узумчилик ва боғдорчиликда эса унинг аҳамияти янада катта. Демак, ҳар бир даладан мўл-кўл ҳосил олинишида мелиораторларнинг ҳам ҳиссаси катта.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

**Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг ҳам ҳиссаси катта. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган "Намунали милиция таянч пункти" анъанавий кўрик-танлови маҳаллалардаги милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилаётир.**
**"Туркистон" саройида мазкур танловнинг 2011 йил натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида таъминланаётганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу ишларда юртимиздаги барқарорлик, тинч ва осойишта ҳаёт муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу жараёнда ички ишлар идораларининг ижтимоий ҳаётдаги роли ва мавқеини, жамоатчилик, айниқса, маҳаллалар билан алоқасини мустаҳкамлаш масаласи – доимий эътиборда. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги мавжуд 3558 милиция таянч пунктининг 70,5 фоизининг атрофида факультатив тўгараклар, 72,5 фоизининг атрофида кичик бизнес шохобчалари ҳамда 84,8 фоизининг атрофида вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун жиҳозланган спорт майдончалари фаолият юритмоқда.

Профилактика инспекторлари, маҳаллалар оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда ўзаро ҳамкорликда фаолият юритаётгани иш самарадорлигини оширмоқда. 2011 йилда 2 минг 254 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичида вилоят босқичларида ғолиб бўлган 14 милиция таянч пункти иштирок этди. Танлов соҳадаги энг илғор тажриба ва ютуқларни тарғиб қилиш ва милиция таянч пунктлари ўртасида кенг оммалаштиришда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани "Санчиқул" маҳалласидаги 250-милиция таянч пункти, Фарғона вилояти Қува тумани "Акбаробод" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 297-милиция таянч пункти, Навоий вилояти Зарафшон шаҳри "Шахтёр" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 16-милиция таянч пункти, Жиззах шаҳри "Бобур" маҳалласидаги 27-милиция таянч пунктлари биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолибларга "Matiz" автомашиналари топширилди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан профилактика хизматининг ташкил этилгани ва тобора такомиллаштирилаётгани халқимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир, – дейди танлов ғолиби, Пахтачи тумани "Санчиқул" маҳалласидаги 250-милиция таянч пункти инспектори, капитан Фахриддин Ҳусанов. – Милиция таянч пунктимиз икки қаватли, замонавий жиҳозлар билан таъминланган бинода жойлашган. Аҳоли маслаҳат олиши учун зарур бўлган ҳуқуқшунос, солиқчи, ёнғин назорати, йўл ҳаракати нозири каби йигирма икки хил хизмат учун хоналар, бурчаклар ташкил қилинган. Турли ҳунар ва спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг ижобий ҳал этилаётгани самарасида 21 минг аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда ўтган йили бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Танловда иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган милиция таянч пунктлари ҳам аниқланди. Танловнинг "Энг фаол профилактика инспектори", "Энг фидойи маҳалла раиси", "Энг фаол маҳалла посбони", "Ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси", "Адолатли яраштириш комиссияси", "Баркамол авлод етакчиси" каби номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Самарқанд Вилояти

**Ота-боболаримиз азалдан ҳунармандчилик билан шуғулланиб келишган. Аммо улар меҳнати ҳар доим ҳам қадр топмаган. Мустақиллик йилларида Президентимиз саъй-ҳаракати билан ҳунармандларга ҳам қатор имтиёзлар, имкониятлар берилди. Хусусан, 1997 йилдан бошлаб ҳунармандларга солиқ ва тўловлар борасида қатор енгилликлар бериб келинмоқда.**

# ҲУНАР ҚАДР ТОПМОҚДА

Яқинда эса ушбу енгилликларнинг муддати янада узайтирилди. Яъни, белгиланган тартибда ҳокимликлар ва солиқ идораларида рўйхатдан ўтган, "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлган бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 2014 йил 1 январига қадар даромад солиғи тўлашдан озод қилинди. Ясаган буюмларини республикадан ташқарига сотиш, кўргазмаларга бориш чоғида улардан бож тўлови олинмайдиган бўлди. Ҳунармандчилиги ортидан оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда 5 нафар шогирдни жалб этиш, устахонани ижарага олиш, ишлаб чиқарилган буюмлар ва товарларни сотиш учун ихтисослаштирилган дўконлар ва шохобчаларни ташкил этиши мумкинлиги қонун билан кафолатланди. Улар маҳаллий хомашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминланадиган бўлди.

Муҳими, ҳунармандлар ижтимоий суғурта қилиниб, иш даврлари белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилмоқда. Уюшмамизга аъзо бўлиб, Пенсия жамғармасига белгиланган бадалларни мунтазам тўлаб келаётган ҳунармандлар нафақа ёшига етгач, иш стажи тўлиқ қўшиб ҳисобланмоқда.

Бундай имкониятлар туфайли ҳунармандлар яратаётган маҳсулотлар сифати, салмоғи, тури ва ҳажми ҳам кескин ортди. Жумладан, 2000 йилда 80-90 турдаги 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили 250 турдаги 2,5 миллиард сўмликдан зиёд ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Бу каби ғамхўрликлар ҳунармандчиликка янада кенг йўл очади. Зеро, бугун улар жамиятга керакли эканликларини, шуғулланаётган ҳунар тури, юритаётган фаолияти мамлакатимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганини ҳис қилиб меҳнат қилишмоқда.

**Акобир ҲАКИМОВ,**
**"Ҳунарманд" уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими раиси.**

Қашқадарё Вилояти

▼ АСАЛАРИЧИЛИК

# КРЕДИТДАН БОЛ БЎЛДИ



**Қарши шаҳридаги Хонтепа маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида изланувчан, янгиликка интилувчи тадбиркорлар кўп. Шулардан бири якка тартибдаги тадбиркор Бахтиёр Эргашевдир. У 2000 йили "Агробанк"дан 3 миллион сўм кредит олди. Юз қути асалари сотиб олиб, ишга киришди.**

— Дастлабки йили ҳар қутидан 25 килограммдан асал етиштириб, эл дастурхонига 2,5 тонна сифатли маҳсулот тортиқ этдик, — дейди Бахтиёр Эргашев. — Шундай қилиб, бир йилнинг ичида кредитни ёпишга муваффақ бўлдим. Кейинги йиллар ҳам муайян ютуқларга эришдик. 2002 йили уч тонна асал олиб муваффақиятларни янада мустаҳкамладик. 2010 йилда 3,5 тонна, 2011 йилда 4 тонна асални эл дастурхонига туҳфа этдик. Шу орада кўплаб ёшларга ушбу соҳа сирларини ўргатдим.



Бахтиёр Эргашев асалари зотини янада яхшилаш йўлларини ҳам изламоқда. 2008 йилда тўрт оила Карпат зотли ариларни олиб келди. Бунда фарғоналик ҳамкасби Владимир Ульяновнинг кўмаги катта бўлди.

Албатта, бу соҳанинг меҳнати машаққатли, шу билан бирга завқли ҳамдир.

Бахтиёр Эргашев жорий йилда камида 5 тонна асал етиштиришни дилга туккан. Асаларичиликдан олинадиган даромад эса тармоқни янада ривожлантириш, асалари зотини яхшилаб, сифатли ва шифобахш маҳсулот етиштиришга сарфланади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

Жиззах Вилояти

# АДИРЛАРНИ ЯШНАТАР, ҲАМ ЭГАСИН ОШАТАР

**Кейинги йилларда Жиззах вилоятининг тоғолди ва лалми ерларида деҳқончилик билан шуғулланувчи фермер ва деҳқонлар орасида пистачилик, унинг аҳамияти, кўпайтириш чоралари ҳақида қизғин гурунглар бўлиб, бу борада яхши саъй-ҳаракатлар кузатилмоқда. Уларнинг айтишларича, хандон пистанинг бутасимон дарахтлари юртимизда жуда қадимдан ўсса-да, уларни маданийлаштириш ишлари мустақиллик шарофати билангина амалга оширилмоқда.**



Келинг, энг аввало, пистанинг аҳамиятига тўхталиб ўтамиз: инсон ҳаёти ва саломатлиги учун писта меваси ниҳоятда фойдали, унинг таркибида 60 фоизгача мой, 20 фоиз атрофида оқсил, 5-6 фоиз қанд ва бошқа кўпгина микроэлементлар бўлиб, буюк тиббиёт алломаси Абу Али ибн Сино унинг яхши озуқалигидан ташқари ўндан зиёд хасталикларга даво эканини ҳам аниқлаган. Жумладан, у артериал қон босими, ошқозон-ичак, жигар-буйрак, нафас йўллари, ташқи яралар, қулоқ-бурун оғриқларини писта мойи, мевасининг мағзи ва пўсти билан даволаган.

Тоғ даралари, тоғолди ва лалми ерларда ўсувчи ёввойи писталар камайиб кетган. Бунинг омилларидан бири пистазорлар ҳудудида чорва моллар боқилиши бўлган. Айни пайтда республикамизнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Самарқанд, Жиззах вилоятларидаги бир неча минг гектар маданийлаштирилган хандон пистазорлар бор. Илгарилари ёввойи ҳолда ўсган писталар жуда кўп учрайдиган тоғ ва чўл ҳудудларида камайиб кетганди.

— Лекин Юртбошимиз ташаббуси билан республикамизда "Биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегия ва ҳаракат режаси" ишлаб чиқилиб, шу асосда юртимизда чўлланишга қарши қатъий чора ва тадбирлар белгилангани катта самара бераётир, — дейди Ғаллаорол туманидаги "Абдусаид Аламли" фермер хўжалиги раиси Абдулла Каримов. — Мана, масалан, бизнинг хўжалигимизни олайлик. У туман марказидан 65 километр узоқликдаги лалми қир-адирларда жойлашган. Бу ерни олишимнинг сабаби шундаки, бундан кўп йил муқаддам ҳудудимиздаги қирларда 10-15 гектар пистазор яратилган. Биз ушбу майдонларга эгалик қилган кунларда ҳам унинг чўкиртак шох-шаббалар ҳолдаги 4 гектари сақланиб турарди. Агар бу дарахтларни чорва молларидан муҳофаза қилиб, янги навлар билан пайвандласа, бинойидай пистазор бўлади, кенгайтирилса, яхши даромад келтириши мумкин, дея ушбу олис кенгликка келган эдик.

Ана шу 4 гектар пистазор ҳам ичида бўлган 100 гектар ер бизнинг хўжалигимиз. Демак, мулкдор бўлиб, ердан қандай фойдаланиш йўлларини ўйлай бошладик. Одатда лалми ерлар тупроғининг емирилиш даражаси анча юқори бўлади. Шу боис, биринчи галда иҳота вазифасини яхши бажарувчи дарахт турлари хусусиятларини ўргандим. Улар орасида писта дарахтларининг узоқ яшовчанлиги, ҳосили ўта фойдалилиги кўнглимни оҳанрабодай тортиб турар, уни кўпайтириш истаги амалий ишларга даъват этарди.

Шу тариқа пистачилик билан шуғулланувчи боғбонларни излаб, турли жойларга бордим. Тажрибали кишилардан маслаҳат олиб, аввал уруғидан, кейинчалик кўчатидан писта боғлари ярата бошладим. Дарвоқе, юқорида айтганим — 4 гектар эски пистазор аллақачон ҳосил бера бошлаган. Ўша пайтда писта дарахтларига юқори ҳосилли эрон писталаридан пайванд солдим. Натижада орадан 3-4 йил ўтибоқ бу пайвандларим ҳосилга кирди. Бу орада эса, кейинги ўзим барпо этган яна 4 гектар пистазорим ҳам ҳосилга кирди. Айни пайтда 8 гектар майдонда ҳосилга кирган ва 22 гектар майдонда 5-6 йиллик пистазорларим бор. Уларнинг пайвандланган кўчатлардан экилганлари бу йил, экканимдан сўнг ўзим пайванд солганларим келаси йили ҳосилга киради.

Юқорида писта дарахтлари тупроқни ювилиб, емирилиб кетишдан сақловчи яхши иҳота дарахтлари эканини айтган эдим. Чиндан ҳам шундай. Бунинг биринчи сабаби, писта дарахтлари илдиз тизими ниҳоятда бақувват ва 40-45 метргача чуқурликка кетиши, ана шу чуқурликдан ер ости сувларини "топиб" то кеч кузгача, ҳатто, қиш ойларигача баргларини тўкмаслиги бўлса, иккинчи сабаби, уларнинг бўйлари нисбатан паст бўлиб, шохлари тарвақайлаб кетиши ва шамол йўлини тўсишидир. Бунинг устига, писта дарахтлари 400-450 йилгача яшайди. Агар уларни 4x6 метр усулида иккинчи қатор ниҳолларини биринчи қатор ниҳолларининг оралиқ ўртасига тенглаб экилса ва кейинги қаторлар ҳам шу тартибда бунёд этилса, шубҳасиз, бундай пистазорлар иҳота деворлари ҳосил қилади. Энди пистазорларда мол боқилиши масаласига келсак, писта дарахтлари тагларида гўёки саҳро саксовулларинки сингари кўплаб емишбоп ўсимликлар ўсади. Айни пайтда биз аввало, ҳосилдор хандон писта мевалари туфайли яхши даромад олсак, ана шу хас-хашак ўсимликлар ҳисобидан ҳам дурустгина фойда оляпмиз.

Олимларнинг айтишича, хандон пистанинг 20 дан зиёд нави бор. Лекин мен кўп излаб-ахтариб, уларнинг 8 хил навини топа олдим. Уларнинг уруғлари ёки кўчатларидан келтириб экдим ҳам. Айни пайтда ҳосил бераётган пистазорларимда Озарбойжоннинг "Апшерон", ўзимизнинг "Данғара", Италиянинг "Тоғ жавоҳири" ҳамда "Эрон ҳосилдор" навларини ўстиряпман. Буларнинг барчаси ҳам пистачилар томонидан серҳосил навлар, деб эътироф этилган бўлса-да, бизнинг тоғолди лалмикор ерларимизга "Апшерон" билан "Данғара" навлари мосдек. Биз келажакда шу навлардан кўпроқ экишни мўлжаллаяпмиз. Ҳа айтганча, қашқадарёлик пистачилар ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари ҳамкорликда яратган "Орзу" навли хандон писта уруғи ва кўчатидан ҳам 7 гектар майдонда алоҳида пистазор яратиш учун ер тайёрлаяпмиз. Дарвоқе, фермер хўжалигимиз яқинда Глобал Экологик Фонд (ГЭФ)нинг Ўзбекистондаги кичик грантлар дастурининг 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантига сазовор бўлди. Бу пул эвазига пистазорларимиз қатор ораларига ишлов берадиган хориж ҳайдов трактори, уч корпусли плуг, дағал хашак ўрадиган механизм (сенокосилка), компьютер, ёнғинга қарши қурилмалар олдик. Ўйлайманки, буларнинг барчаси бундан кейинги бунёдкорлик ишларимизда жуда асқотади. Бинобарин, пистазорларимиз янада хандон уриб, яшнайди.

Писта дарахтлари тупроқни эрозиядан сақлаши жиҳатидан экологик қалқон вазифасини ўташи билан бирга мўмай даромад манбаи ҳамдир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун айни пайтда мамлакатимиз бозорларига бир боринг-а? Шунда ҳар килограмм хандон пистанинг нархи 25-30 минг сўмдан кам эмаслигини кўрасиз.

Хулоса шуки, хандон писта — тоғолди ва лалми ерлар шароитида истиқболи боғлар яратиб, кам меҳнат билан кўп даромад олишнинг, экологик софликни таъминлашнинг мустаҳкам манбаидир. Шундай экан, юртимизда бор пистазорларни бус-бутун сақлаб, кўплаб янги пистазорлар яратиш йўлини тутишимиз керак. Бу борада кейинги йилларда Жиззах вилоятида катта амалий ишлар қилиняпти. Жумладан, Ғаллаорол ва Фориш туманларида 6 та фермер хўжалиги ва кўплаб тадбиркорлар қарийб 140 гектар майдонда пистазорлар барпо этишгани яқин келажакда пистачилик соҳасининг кенг қулоч ёйиб, тараққий этишидан дарак беради.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

